

Фойдаланиш усул истиқболлари

Мазкур кўчма колоннанинг фаолият курсата бошлаганига ҳадемай 30 йил тўлади. Унинг ўтган йиллар давомида ортирган нуфузи ва район миқёсидаги аҳолининг шу қадар юксаклиги агар жиддийроқ эътибор қилинса, Пискентнинг бутунги кўрми ва жамолида айнан мана шу қурлиш ташкилотининг ўзига хос алоҳида дахли борлиги намойиш бўлади. Чунки шаҳар марказидаги ва атрофидаги ўнлаб қишлоқларда ҳозирда халқ манфаати йўлида кенг фойдаланилаётган кўчма турли замонавий биноларнинг илк пойдеворларини ҳам 15-сон хўжаликларо қурилиш ташкилоти бунёдкорлари қўйганлар. Яна шу нарсани ҳам рўй-рост айтиш мумкинки, райондаги бошқа бирорта қурилиш ташкилоти ҳали буюртмачилар ишончини мазкур кўчма колонна ишчи-хизматчилари сингари сиқидилмади, оқлай олмаганлар. Ёши ўта йirik ва машаққатли эканлиги учун айрим объектлар қурилишига улардай журъат топиб, далиллик билан киришиб кетолмаганлар. Бу гаплар муволажа эмас. Фирма ишончини исботи учун бугунги кунда Пискентда қад кўтариб турган биноларнинг 60 фоизи шу ташкилот одамлари кучи билан бунёд этилганлигини айтиш кифоя қилади. Далилларимиз маълумки давомидан яна асосланади, албатта. Лекин, колонна қурувчиларининг ҳозирги иқтисодий жиқатдан қийин кечаятган давларда ҳам қандай қилиб юксак самарадорликка эришяётганликлари ҳақида ҳужоа қилишдан аввал, ташкилотнинг кечаги кунига раам солиш бу ерда тўплаган бой тажрибага қизиқувчилар учун фойдаланган ҳоли бўлмас, деган умиддамиз. Дикқатга молик томони шундаки, колонна яқин келмакда ҳам кўчма қурилиш ташкилотлари сингари ишчи кучи етишмаслиги мумамосидан азият чекиб келарди. Қўнимсизлик авжига чиққан, бирорта қурувчи мумкин ҳолда фаолият кўрсатмасди. Ташкилотнинг собиқ райижрокўм ҳузуридаги ишга жойлаштириш бўлимига мунтазам юборадиган буюртмачилар ақсарият ҳолларда жавобсиз қолар, оқибатда маъмурият чорасизликдан кишиларини вақтинчалик ишга қабул қилишга ҳам мажбур бўларди. Натияжада олинган объектлар ўз вақтида фойдаланишга топширилмас, буюртмачиларнинг асосли эътирозларини кун сайин ортиб борарди. Асосий сабаб — иш ҳақининг озлиги эди. Манфаатдорликни ошириш учун эса қандайдир муддат жорий этилган. Уша эски иш ҳақида қаноат қилиб турмиш, шу йўл билан маълум миқдор жамғарма ҳосил қилиб, сўнг ривожланиш йўлига тушиб олиш мумкин эди. Қолаверса, пахта ямак-ҳокимлиги авж олиб кетган ўша кезларда меҳнаткашларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун қолхозчилар манфаатлари йўлида бунёдкорлик ишларини амалга оширишга иқтисодлаштирилган мазкур хўжаликларо қурилиш ташки-

лотларига ҳамма жойда ҳам бир хилда эътибор берилмади. Кўчма колоннага кўпгина мутахассислар раҳбарлик қилиб кўрдилар. Уларнинг баъзи бирларидан фаолиятни жонлантириш бўйича қилинган муайян ишлар қолди, албатта. Аммо ўша кезларда ёш бўлишига қарамай, тармоқда анчагина ишлаб тажриба ортирган, соҳани астойдил севган муҳандис Ноёб Ғуломовнинг бошлиқ этиб тайинланиши мазкур қурилиш ташкилоти ҳаётида жиддий ижобий ўзгаришларнинг юзасига қилинишига сабаб бўлди. Колоннанинг обрў-эътибори ҳали ҳамон ана шу инсон номи билан боғлиқ ҳолда келаятганлиги ҳам бежиз эмас. Янги раҳбар ишбилармон эди. Шунданми, у дастлаб ўз атрофида шу соҳани мукамал биладиган кишиларни тўплашга киришди. Қурувчиларнинг меҳнат қилиш шароитларини яхшилаб, аҳолини барқарорлаштириб олиш учун ишни аввал имконият даражасида кичик-кичик объектлар бунёд этишдан бошлади. Тез ва сод, бунинг устига қисқа муддатда бажаришга буюртмачилар ҳисобидан колонна фаолиятини изга тушиб бераверди. Қўнимсизлик ҳам аста-секин барҳам топиб, ишсизлик мумамоси йўқола бошлади. Авваллари баъзан иқтисодий жиқатдан қолоқ бўлган хўжаликлардан ҳам турли бунёдкорлик ишлари бўйича буюртмачилар

бўлган уй-жойлар... Уларнинг ҳаммасида мазкур колонна қурувчиларининг заҳматли меҳнатлари бор. Буюртмачилар ишончини тўлиқ оқлаб, белгиланган қурилиш объектларини муддатдан аввал ишга тушириб беришга эриша олаётганлиги туфайли эндиликда кўчма хўжаликлар бунёдкорлик ишлари бўйича уларни катта-кичиклигидан қатъий назар шу ташкилотга мурожаат қиладилар. Қурувчилар эса фурсатини бой бермай, дарҳол ишга киришадилар. Буюртмачиларга уларнинг ана шу тежорбалиқлари ёқди. Лекин бу тежорбалиқ шовша-шовшарлик эмас. Унинг замирида сифат бор, масъулият бор. Буни буюртмачиларнинг ўзлари ҳам тан оладилар. Хусусан колонна қурувчилари сўнгги йилларда фойдаланишга топширган райондаги Охунбоев, «Қирқизобод» И. Ҳайдаров ва «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжаликларидидаги 1176, 240, 320 ҳамда 250 ўринли мактаб бинолари замонавий лойиҳада расида бунёд этилди. Уларни кўпчилиги икки қаватдан иборат. Колонна Пискентдаги сув тошқинидан сўнг қисқа муддатда собақ

мастер, прораб, бош муҳандис лавозимларида ишлаб чиниққан ва бу соҳада яхши тажриба ортирган ёш мутахассис Авазхон Оқиллов бошлиқ этиб тайинланди. Колонна шу йилгача вилоят трестига қарашли қурилиш ташкилотлари орасида биринчи бўлиб ижара усулида фаолият курсатишга ўтди. Ва ҳадемай яна ҳам қуриллаб кетди. Чунки, янги фойдали усулнинг самарали жиқатлари кўп экан. Дастлабки кунлардаёқ буни тўғри аниглаб олган қурувчилар энг биринчи навбатда ўзларини мустақил ҳис қила бошладилар. Масъулият ҳар қачондиган орди. Муҳими, қурувчилар учун илгариги вақтлардагига қараганда ўта қўлай ва имконият пайдо бўлдики, улар ҳамма ишчилар аввалдан орзу қилар эдилар. Бу қўлайлик агар хоҳли бўлса, астойдил ва ҳалол ишлаб исталганча манфаатдорликка эришиш эришилди эди. Ҳар кун бажаришга юмушлар ҳусусида қайлар қилли, яна бошқа қандайдир қозғоларни тўлғашиб кабини илгари мавжуд бўлган ва ҳеч кимга ёқмайдиган ортинча ташвишлар ҳам ўз ўзиндан барҳам тоиди. Аксинча, вақтдан унумли фойдаланиб, қурилиш монтаж ишларини муддатдан аввал бажариш ҳисобига қўшимча

рат янги биноси қурилиши ҳам ниҳоятга етказилди. Имкониятлари ҳар қачондиган кенгайиб бораётган колонна қурувчилари мустақил ҳолда баъзи биноларни кўрб олишни лозим топган ташкилот ва корхоналарга сотишни ҳам режалаштирмади. Ана шундай биноларнинг бири яқинда қуриб битказилди. Шарҳ архитектураси лойиҳаси асосида миллий шақлда бунёд этилган мазкур бинони райондаги хоҳлаган хўжалик, ташкилот ёки корхона ҳарид қилиб олиши ва фойдаланиши мумкин. Шу қурувчи кўчма колонна ишчилари «Ўзбекистон» давлат хўжалиги ҳолини учун уй-жой ва лаборатория қурмоқда. Бундан ташқари «Қирқизобод» жамоа хўжалигидаги 240 ўринли мактаб иқтиёрига топширилгандаги устахона, Охунбоев номида синф хоналари қуриб бермоқда. Шаҳардаги «Бирлик» даҳасида 840 ўринли янги мактаб қурилиши ҳам жадал давом этмоқда. «Дўстлик» давлат хўжалигининг Сувти қишлоғида ҳам 420 ўринли янги мактаб биносига пойдевор қўйилди. Санаб ўтилган юқоридаги бунёдкорлик ишларини бор-йўғи 3 та участка жамоаси ўзининг 86 нафар қурувчилар билан адо этмоқда. Энди колоннада ишчи кучининг етишмаслик мумамоси ҳақидаги гаплар аллақачонлар эскириб кетган. Аксинча, бу ерга ишга жойлашиш учун навбат куттишга тўғри келди. Одамлар муқим ҳолда меҳнат қилишяпти. Манфаатдорлик райондаги бошқа қурилиш ташкилотларига қараганда ҳам анча баланд. Оддий қурувчининг ўртача ойлик иш ҳақи 13—15 миң сўми ташкил этмоқда. Ижара усулига ўтилганда ҳамма хурсанд. Даромад ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, колонна қурувчилари ўтган йилда ишлаб чиқариш-

ИЖАРА ҲИСОБИДА ИШ ЮРИТИШ ВИЛОЯТ КОЛХОЗЛАРАРО ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА ҚАРАШЛИ ПИСКЕНТДАГИ 15-СОН КЎЧМА КОЛОННА ҚУРУВЧИЛАРИГА НИМА БЕРМОҚДА?

олинаверар, у бажаришга тақдирда ҳам ҳисоб-китоб масаласида бирмунча сансалорлик юзасига келиб қоларди. Мана шундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида бошлиқ Ноёб Ғуломов кўпроқ иқтисодий бақувват хўжаликларнинг буюртмачиларини олишга ҳаракат қилди. Вақтида бажариб берилган иш ҳисобига пул ҳам ўз вақтида келиб тушадиган бўлди. Бундан ташқари айрим қурилиш хом ашёларини колонна тасарруфида бўлган очиқ ҳолдаги марказий омбор ҳудудининг ўзидан ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Жўмладан, бетон қорншмаси, турли блоklar, бошқа темир-бетон материалларини тайёрлаш, ёғочни қайта ишлашга ихтисослашган цехларнинг қуриланлиги ишни жонланиб кетишига туртки бўлди. Ташкилот шу тариқа юксалиш йўлига чиқиб олди. Ҳар қандай йирик ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини бажариш бўйича замонавий лойиҳалар асосида масъулиятдан чўчимай буюртмачилар қабул қила бошлади. Айни вақтда унинг нуфузини ортиб бораётганлигини пайқабган кишиларнинг ўзлари иш сўраб келадиган бўлишди. Н. Ғуломовдан сўнг колонна бир неча йил бошқарган Шавкат Убайдуллаевнинг раҳбарлик фаолияти давомида ҳам мазкур жамоа район миқёсида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини амалга оширди. Хўжаликлардаги сўт-товар фермалари, чорвачилик комплекслари, ўнлаб замонавий мактаблар, болалар боғчалари, клуб ва яшаш шароити ҳар томонлама қўлай

манфаатдорликка эришиш истиқболлари очилди. Ҳар бир қурувчи ўзи амалга ошираётган иш учун қанча миқдорда ҳақ олишни ҳам олдиндан биладиган бўлди. Натияжада техникадан, колонна ҳисобидидаги транспорт турларидан фойдаланиш ўз ўзидан тартибга тушиб қолди. Масалан, авваллари керракми, йўқми эрталаб иш бораётган объектларга техника жўнатилар эди. Янги усулга ўтилгач, ана шу техника учун бригада жамоалари ўзлари ишлаб топаётган даромаддан ҳақ тўлашлари лозимлигини, унинг буш туриб қолиши фақат эиён келтиришни тушуниб етдилар. Шу тариқа ўз чўнтақларидаги маблағининг аниқ ҳисоб-китобини олиб фаолият юритаётган қурувчилар тежамкорликка ҳам ўргандилар. Вақтинг қадрига етишни тушуниб қолдилар. Автопарк жамоаси ҳам ўз тасарруфларидаги юк ташуш машиналарини колонна манфаатига лозим бўлмаган пайтда райондаги бошқа ташкилот ва корхоналарга қўнай ижарага берадиган бўлди. Четдан олинмаган қурилиш хом ашёларининг ҳозирги нархни чамалаб қўрган қурувчилар ортинча ҳаракатларга йўл қўймайлик мақсадида ана шундай материалларни ўзларида ишлаб чиқаришга зўр бердилар. Шу мақсадда ташкилотда ишлаб чиқариш бўйича ердამчи хўжалик ташкилоти этилди. Эндиликда ёш мутахассис Шўҳрат Қаримқулов раҳбарлик қилаётган мазкур ердამчи хўжалик говакли плиталардан ташқари лозим бўлган қолган ҳамма қурилиш хом ашёсини колоннанинг ўзидан ишлаб чиқаришга эришмоқдалар. Шунинг учун ҳам катта-кичиклигидан қатъий назар буюртмачиларни бажаришда

дан 4 миллион 736 миң сўм соф фойдани қўлга киритган эдилар. Мазкур қурбатқич шу йилнинг биринчи чорағида 2,5 миллион сўми ташкил этди. Меҳнатдан келаятган қўшимча бойлик туфайли қурувчиларнинг турмушлари ҳам чиройли бўлиб бормоқда. Жамоала инсон омилига яқинимой муҳофаза масалаларига биринчи галдаги вазифа сифатида қараш русумга айланган. Қурувчиларни озик-овқат, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш намунали йўлга қўйилди. Ишчиларга зарур бўлиб қолганда ҳар жиқатдан амалий ва моддий ёрдам курсатилади. Колонна ўз тасарруфидидаги уй-жойларни қурувчиларга энг арзон нархларда хусусийлаштириб берди. Президент фармонида кўра айрим уй-жойлар хонадон эгаларига бепул тақдим этилди. Бу ерда ишлаб нафақага кетганлар, қўшимча иқтисодий муҳофазага муҳтож бўлган ҳам таъминланган оилалар ҳаминча ташкилотнинг диққат марказида турдилар. Яратилган бундай қўлайликлардан руҳланган ишчи-хизматчилар ўз жамоалари мавқеини яна ҳам мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилишмоқда. Учасга бошлиғи Аъзам Хонхўжаев, ишчи йўлдош Абдуллаев, пайвандчи Виктор Лебедев, ешит терувчи Рауфхон Жаборов, бетон қорншмаси тайёрловчи Абдувоид Алмазов ва тракторчи Хўснуддин Узоқовлар колоннанинг фахри хўбобландилар. Улар қаторида умумий ишга салмоқли ҳисса қўшаётган Матлуба Шоқирова, Галая Абзалова ҳамда Шохиста Усмонова сингари аёллар ҳам бор.

Гапни мухтасар қилиб айтганда, кўчма колонна жамоаси трестга қарашли қурилиш ташкилотлари ўртасида биринчи бўлиб фойдали ва истиқболли усул — ижарага ўтиб янгилашмоқдалар. Улар бу борада қатор муваффақиятларга эришибгина қолмай, балки ҳар жиқатдан оммалаштиришга арзийдиган бой тажриба ҳам тўпладилар. Унинг вилоят миқёсида ҳам энг илғор жамоа сифатида эътироф этилаётганлиги бунинг ёрқин мисolidир.

Иброҳим ТОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

● СУРАТЛАРДА: Авазхон Оқиллов бошчилик қилаётган кўчма колонна қурувчилари қуриб фойдаланишга топширган ва айни кунларда қураётган маданий-манший бинолар; қурувчиларнинг кундалик иш жараёблиридан лавҳалар.

Р. РАҲМУЛЛИН олган суратлар.



